

## КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ФАОЛИЯТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ

*Джиемуратова Зухра Куванишбаевна*

*“Дастурий инжиниринг ва математик моделлаштириш” кафедраси ассистент ўқитувчиси*

*Мухаммад ал- хоразмий номидаги*

*Тошкент ахборот технологиялар университети Нукус филиали*

[z0997106@gmail.com](mailto:z0997106@gmail.com)

**Аннотация:** *Мазкур мақолада кичик бизнес субъектларининг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Кичик бизнес иқтисодийнинг муҳим бўғини сифатида миллий иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва инновацияларни жорий этишда муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот доирасида кичик бизнеснинг ривожланиш омиллари, иқтисодий муҳитга таъсир этувчи асосий факторлар ҳамда ушбу соҳани ривожлантиришдаги муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, хорижий тажриба ва унинг маҳаллий иқтисодий шароитига мослаштириш имкониятлари кўриб чиқилган.*

**Калит сўзлар:** *Кичик бизнес, тадбиркорлик, ривожланиш тенденциялари, иқтисодий ўсиш, инновациялар, иш ўринлари.*

### I. КИРИШ

Кичик бизнес иқтисодийнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ижтимоий барқарорлигида катта аҳамият касб этади. Ушбу сектор тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш ва инновацияларни жорий этишда муҳим ўрин тутди. Шу боисдан, кичик бизнес субъектларининг ривожланиш тенденциялари ва уларнинг фаолиятига таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Кичик бизнеснинг ривожланиш жараёни кўплаб ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, бозор конъюнктураси, давлат томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш чоралари, рақобат муҳити ва технологик ўзгаришлар каби факторлар унинг самарадорлигига таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларининг ўз бизнес моделларини шакллантириш ва стратегик режалаштиришдаги ёндашувлари уларнинг бозорда барқарор фаолият юритишида муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тадқиқотда кичик бизнес субъектларининг ривожланиш йўналишлари, уларнинг бозордаги ўрни ва уларнинг самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар таҳлил қилинади. Шунингдек, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Тадқиқот натижалари кичик бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг иқтисодийдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилиши кутилмоқда.

### II. МЕТОДОЛОГИЯ

Ривожланган мамлакатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам хўжалик юритувчи субъектлари ҳисобланадиган кичик бизнес субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига кўра аниқланади. Ўзбекистон

Республикасининг 2012 йил 2 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-328-сон Қонунда кичик тадбиркорлик субъектлари сифатида:

1) **якка тартибдаги тадбиркорлар**;

2) **микрофирмалар** - ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

3) **кичик корхоналар** - қуйидаги тармоқлардаги: енгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан икки юз киши; металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатидаги, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши; машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар тушунилади<sup>2</sup>.

1.1-жадвал.

**Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонлари<sup>3</sup>**

| Мезонлар                   | Кичик бизнес тури | 2012 йил  | 2024 йил |     |
|----------------------------|-------------------|---|----------|-----|
| Ходимлар сонининг чегараси | Микрофирмалар     | Ишлаб чиқариш тармоқларида  | 20       | 20  |
|                            |                   | Хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тармоқларда                          | 10       | 10  |
|                            |                   | улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида                                  | 5        | 5   |
|                            | Кичик корхоналар  | енгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатида                             | 100      | 200 |
|                            |                   | металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатидаги, шунингдек қонунчиликда | 100      | 100 |

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сон Қонуни <https://lex.uz/acts/2006789>

<sup>3</sup> Муаллиф ишланмаси

|                              |                  |   |    |                                |
|------------------------------|------------------|---|----|--------------------------------|
|                              |                  | назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида  |    |                                |
|                              |                  | машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида | 50 | 50                             |
|                              |                  | фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳаларда                | 25 | 25                             |
| Йиллик жами даромад чегараси | Микрофирмалар    | таъсисчилари (иштирокчилари) жисмоний шахслар бўлган тадбиркорлик субъектлари   | -  | 1 млрд.сўмгача                 |
|                              | Кичик корхоналар | таъсисчилари (иштирокчилари) юридик шахслар бўлган тадбиркорлик субъектлари   |    | 1млрд.сўмдан – 10 млрд.сўмгача |

Келтирилган мезонлар 2020-2024 йиллар давомида қонунчиликдаги ўзгаришлар натижаси ҳисобланади. Кичик бизнес субъектларига қонунчилик мезонлари асосидаги солиштирма таҳлил 1.1-жадвалда келтирилди.

Қонун ҳужжатларидаги бу каби сифат ва миқдор ўзгаришлар мамлакатимизда бўлаётган ислохотлар доирасида зарур ва иқтисодий жиҳатдан асосли эди. Шу ўринда, йиллик даромад чегараларининг ўрнатилишини кўриш мумкин. Бу 2022 йилнинг 22 август куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан очик мулоқоти натижасида белгиланган вазифалар доирасида бўлиб, бунда тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитларни яратишда солиқ ислохотларини кўриш мумкин. Ушбу борада диссертация ишининг 1.3-параграфида батафсил фикр юритилди.

Шу билан бирга турли мамлакатларда кичик бизнес субъектларини аниқлаш мезонларнинг солиштирма таҳлилини қуйидаги 1.2-жадвалда кўриш мумкин.

Жадвалдан кўриниб турибдики, турли мамлакатлар ўзининг иқтисодий ривожланиш ва солиқ сиёсатидан келиб чиққан ҳолда кичик ва ўрта бизнес тоифасига турлича мезон белгилайди. Ўзбекистонда 2024 йилдан бошлаб тадбиркорликни тоифаларга йиллик даромадига кўра ажратиш белгилаб олинди ва унга кўра ўрта бизнес соҳасини йиллик жами даромади календарь йил давомида 10 миллиард сўмдан 100 миллиард сўмгача бўлган тадбиркорлик субъектлари ташкил этиши кўзда тутилади.

1.2-жадвал.

**Кичик ва ўрта бизнесни аниқлашда турли мамлакатларда қўлланиладиган мезонларнинг қиёсий тавсифлари<sup>4</sup>**

| Мамлакат        | Мезонлар            | Микробизнес                | Кичик бизнес  | Ўрта бизнес                    |
|-----------------|---------------------|----------------------------|---|--------------------------------|
| Россия          | Ходимлар сони       | 15 киши                    | 50 киши (истисно 30100 киши)  | 250 киши                       |
|                 | Йиллик тушум        | 1,90 млн евро              | 12,68 млн евро  | 31,71 млн евро                 |
| Белоруссия      | Ходимлар сони       | 15 киши                    | 100 киши (истисно 15-100 киши)  | 250 киши (истисно 50-400 киши) |
| Украина         | Ходимлар сони       | 10 киши                    | 50 киши   | йўқ                            |
|                 | Йиллик тушум        | 2 млн евро                 | 10 млн евро   | йўқ                            |
| Қозоғистон      | Ходимлар сони       | 15 киши                    | 100 киши  | 250 киши (юр.шахслар учун)     |
|                 | Йиллик тушум        | 0,289 млн евро             | 2,89 млн евро   | 28,9 млн евро                  |
| Европа иттифоқи | Ходимлар сони       | 10 киши                    | 50 киши   | 250 киши                       |
|                 | Йиллик тушум        | 2 млн евро                 | 10 млн евро   | 50 млн евро                    |
| Швеция          | Ходимлар сони       | йўқ                        | 50 киши   | йўқ                            |
|                 | Йиллик тушум        | йўқ                        | 5,34 млн евро   | йзқ                            |
|                 | Баланс валютаси     | йўқ                        | 2,67 млн евро   | йўқ                            |
| Норвегия        | Ходимлар сони       | йўқ                        | 19 киши   | 99 киши                        |
| Япония          | Ходимлар сони       | 20 киши бошқа соҳалар учун | Ишлаб чиқариш соҳасида 100 киши   |                                |
|                 |                     | 50 киши бошқа соҳалар учун | Турли соҳалар учун 50 дан 300 гача  |                                |
|                 | Объявленный капитал | 0,75 млн евро              | 2,25 млн евро   |                                |
| АҚШ             | Ходимлар сони       | йўқ                        | 50 (тўғридан-тўғри сотиш) дан бошлаб 1550 (бензин савдосида) гача           |                                |
|                 | Йиллик тушум        | йўқ                        | 0,68 млн евро (дон ишлаб чиқариш) дан 495 млн евро (банк ва кредит союзлар) |                                |

Кичик бизнес субъектларини ривожланиш тенденцияларини ўрганишда, унинг иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб ҳисобланиши ва бунда унинг аҳолининг ўз-ўзини банд қилиши ҳамда ўрта синфни шакллантириши каби муҳим ижтимоий-иқтисодий функцияни бажаришини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шу жиҳатдан, кичик бизнес субъектларининг Европа Иттифоқи иқтисодий ҳолати бўйича кўриб чиқамиз.


<sup>4</sup>Плетнёв, Д.А. Сравнительный анализ критериев отнесения организаций к малому и среднему бизнесу в разных странах / Д.А. Плетнёв, Е.В. Николаева, А. Кампа // Стратегии бизнеса: анализ, прогноз, управление. 2015. - №9 (17). - С.30-36.

1.3-жадвал.

**2023-йилда Европа Иттифоқи-27 мамлакатларидаги корхоналарнинг ҳажми бўйича иқтисодий тузилиши<sup>5</sup>**

| Кўрсаткичлар     | Корхоналар сони   |             | Банд бўлганлар сони |             | Кўшилган қиймат |             |
|------------------|-------------------|-------------|---------------------|-------------|-----------------|-------------|
|                  | Сони (дона)       | % (жамид а) | Сони (дона)         | % (жамид а) | Млрд. евро      | % (жамид а) |
| Микро фирмалар   | 24 209 297        | 93.6%       | 40 803 310          | 30%         | 1 799           | 19.8%       |
| Кичик корхоналар | 1 387 888         | 5.4%        | 26 770 763          | 19.7%       | 1 527           | 16.8%       |
| Ўрта корхоналар  | 210 551           | 0.8%        | 21 156 339          | 15.5%       | 1 512           | 16.6%       |
| Йирик корхоналар | 43 420            | 0.2%        | 47 355 823          | 34.8%       | 4 265           | 46.9%       |
| <b>Жами</b>      | <b>25 851 156</b> | <b>100%</b> | <b>136 086 235</b>  | <b>100%</b> | <b>9 104</b>    | <b>100%</b> |

**III. ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**



**1.1-расм. 2023 йилда Европа Иттифоқидаги қўшилган қиймат бўйича ташкилотлар улуши, %<sup>6</sup> (Манба: муаллиф томонидан ЕИ Комиссияси ҳисоботи асосида ишлаб чиқилди)**

<sup>5</sup> Authors: Katsinis, A., Lagüera-González, J., Di Bella, L., Odenthal, L., Hell, M., Lozar, B. Annual Report on European SMEs 2023/2024. SME Performance Review 2023/2024 EU Science Hub <https://joint-research-centre.ec.europa.eu> ISSN 2467-0162 Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2024 - © European Union, 2024

<sup>6</sup> Authors: Katsinis, A., Lagüera-González, J., Di Bella, L., Odenthal, L., Hell, M., Lozar, B. Annual Report on European SMEs 2023/2024. SME Performance Review 2023/2024 EU Science Hub

Европа Комиссиясининг ҳисоботида кўра “кичик ва ўрта бизнес соҳасида банд бўлганларнинг сони 2022 йилда 2,9%га ва 2023 йилда 1,8% га ўсган. 2024 йил учун бу кўрсаткични 0,8% ўсиши прогноз қилинмоқда... Сўнгги йилларда кичик ва ўрта корхоналарнинг даромадлилиги барқарор ҳолатда қолди ва 2024 йилда 2019 йилга нисбатан бир оз ўсишни қайд қилди.”<sup>7</sup>

1.1-расмда кўришиб турганидек, Европа Иттифоқи мамлакатларида кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 36,4 фоизни ташкил қилмоқда. Ўрта бизнесни ҳам ўз ичига олган КЎБ кесимида эса 53,1 фоизга тенг. Шу билан бирга, -жадвалдан шу маълум бўладики, жами банд бўлганларнинг 65,2 фоизи КЎБ соҳасига тўғри келмоқда.

Бу кўрсаткичларга монанд солиштирма таҳлил олиб борилиб қуйидаги маълумотларга эга бўлдик.

1.4-жадвал.

**2023-йилда Ўзбекистонда корхоналарнинг ҳажми бўйича иқтисодий тузилиши<sup>8</sup>.**

| Кўрсаткичлар                      | Корхоналар сони |            | Банд бўлганлар сони |            | Қўшилган қиймат |            |
|-----------------------------------|-----------------|------------|---------------------|------------|-----------------|------------|
|                                   | Сони (дона)     | % (жамида) | Сони (дона)         | % (жамида) | Млрд. евро      | % (жамида) |
| Микрофирмалар ва кичик корхоналар | 417 080         | 60,6%      | 9 838 125           | 75%        | 64,8            | 43%        |
| Ўрта корхоналар                   | 261 265         | 38,0%      | 787 050             | 6%         | 12              | 8%         |
| Йирик корхоналар                  | 10 000          | 1,5%       | 2 492 325           | 19%        | 73,2            | 49%        |
| жами                              | 688 345         | 100%       | 13 117 500          | 100%       | 150             | 100%       |


*Манба: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси, Ўзбекистон республикаси президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди*

<https://joint-research-centre.ec.europa.eu> ISSN 2467-0162 Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2024 - © European Union, 2024 маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

<sup>7</sup> Ўша манба

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан тузилди






**1.2-расм. 2023 йилда Ўзбекистонда қўшилган қиймат бўйича ташкилотлар улуши, %<sup>9</sup>**

1.1- ва 1.2-расмлардан ўзбек ва европа кичик ва ўрта бизнес соҳаси деярли бир ҳил улушга эга. Шундай бўлсада, кичик бизнес улуши Европа Иттифоқидаги 36,4% га нисбатан Ўзбекистонда ушбу соҳа улуши 43% билан устунлик қилмоқда. Лекин, қўшилган қиймат бўйича ташкилотлар улушини КЎБ миқёсида олиб қаралганда ЕИ бу борада 2 бандга устунлик қилди. Солиштирма таҳлилда, КЎБлар миқёсида таҳлил қилишнинг имкони бўлсада, аниқ натижани бермаслиги мумкин. Негаки, биринчидан ЕИда ва Ўзбекистонда КЎБ ташкилотларни аниқлаш мезонлари бир оз фарқланади. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида яқин даврларгача ўрта тадбиркорликни аниқлаш мезонлари мавжуд бўлмаган. Шу кунгача ташкилотларни кичик бизнес бўлинмаси таркибига киритиш Вазирлар Маҳкамасининг 2016-йил 24-августдаги ривожлантириш зарурлиги тўғрисидаги 2020-йил 25-январдаги 275-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган таснифлаш асосида амалга оширилар эди. Шу боис, халқаро тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини кичик ва ўрта бизнесга қўшиш мезонларини ишлаб чиқиш зарурати долзарб масал ҳисобланар эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 февралдаги ПФ-21 сон фармонидаги вазифалардан келиб чиқиб ҳамда 2024 йил 15 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати томонидан Тадбиркорлик кодексининг маъқулланиши келгусида ўрта бизнес субъектлари фаолиятига ҳам доир иқтисодий рағбатга асос бўлади деб ҳисоблаймиз.

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмаси

Умуман олиб қараганда, ЕИ мамлакатларида кичик бизнес субъектларининг ташкилотлар сони ва қўшилган қиймати бўйича миқдор жиҳатидан улуши анчайин салмоқли. Бу борада, мамлакатимиздаги кўрсаткичлар нисбатан паст даражада. Банд бўлганлар улушининг юқорилигига қарамай кадрлар алмашинуви мавжуд (-расм). Фикримизча, кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантириш омилларни қўллаш ва бу орқали кичик бизнес субъектлари салмоғини ошириши каби масалаларга чуқур илмий ёндашув зарур.



**1.3-расм. Кичик бизнес субъектларининг бандлик бўйича иқтисодий тармоқларидаги ҳажми<sup>10</sup>**

1.3-расмда кичик корхоналарда ходимларининг сонидagi ўзгаришлар тенденцияси кўрсатилган. Ташкилотлар сонининг кўпайиши фонидa сўнгги ҳар икки йилда ходимлар сонининг қисқариши кичик ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган ходимларни оптималлаштириш сиёсатидан далолат беради. Шу билан бирга, кадрлар малакасининг мувофиқ эмаслиги, кадрлар тажрибасининг етишмаслиги каби муаммоларга борлигини изоҳлайди. Ундан ташқари, ушбу тармоқда молиявий муаммолар ўртача ойликнинг бозордагидан паст даражасига сабаб бўлади ва бу кадрлар алмашинувининг юқорилигига олиб келади.

Хусусан, олимлар Салва Мудaa ва М.Р. Раҳман қарашларида кичик ташкилотларда бошқарув тизимининг марказий бўғини уларнинг ички ресурслари, биринчи навбатда, инсон ресурслари, шунингдек, молиявий ресурслар деб айтилдади. “Глобаллашув ва технологиянинг тез ўзгариши билан бир вақтда, ресурслар чекловларига қарамай, КЎБнинг иқтисодий ривожланиш ва бандликни оширишдаги роли муҳимроқ бўлди. Инсон капитали КЎБ фаолиятига интеллектуал капиталнинг бошқа субелементларига қараганда кучли

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумоти асосида муаллиф ишланмаси



таъсир кўрсатади.... Шу сабабли, инсон капиталига сармоя киритиш кичик ва ўрта бизнесга қиймат яратиш ва ишлашда устунлик беради.”<sup>11</sup>

Кичик бизнес субъектлари фаолиятининг хусусиятларини очиб беришда SWOT-таҳлил ўрганилаётган объектнинг ҳар томонлама тавсифини беришга имкон беради (-жадвал). Шундай қилиб, SWOT-таҳлилни ўтказиш орқали биз кичик бизнес субъектларининг кучли ва заиф томонларини аниқроқ кўриш, шунингдек, бозор конъюнктурасини баҳолаш имкониятига эга бўламиз. SWOT-таҳлил мавжуд маълумотларни тартибга солиш, мавжуд вазиятни қайта баҳолаш ва истиқболларни аниқлашга ёрдам беради.

1.5-жадвал.

**Кичик бизнес субъектлари фаолияти хусусиятларининг SWOT-таҳлили<sup>12</sup>**

| Кучли томони  | Кучсиз томони  |
|---|--|
| Янги иш жойларини яратиш<br>Истеъмолчи талабига тез мўлжал олиш<br>Содда ташкилий тузилма<br>Ўғаришларга тез мослашиш<br>Воситаларни тез айланма ҳаракати<br>Start-up фаолият | Кадрлар етишмовчилиги ёки алмашинуви<br>Бошқарув кадрлар компетенцияси<br>Молиявий ресурслар тақчил<br>Илм-фан ютуқларидан фойдаланишга тайёр эмас<br>Мухим соҳаларда монополия мавжуд<br>Табiiй рақобат даражаси паст<br>Ҳаражатлар юқори |
| Имкониятлар   | Таҳдидлар  |
| Янги йўналишларда корхоналар ташкил қилиш<br>Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш<br>Фаолиятга таъсир этувчи кам ташқи омиллар   | Рақобат даражаси юқори<br>Йирик корхоналарнинг монополияси<br>Кичик корхоналар ривожланишига нисбатан қонунчилик тизими тез мослаша олмайди<br>Молия-кредитлаш тизими  |

Кичик бизнес субъектлари фаолиятида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти хусусиятидан ва унинг ривожланиш даражасидан келиб чиқиб аниқланган омиллар унинг кучли томонларини ташкил қилди.

Кучсиз томонларини эса кичик бизнес субъектлари фаолият юритишида зарур бўлган ва хали амалга оширилмаган вазиятлар ташкил қилди.

Имкониятлар бу кичик бизнес субъектларининг барқарорлигини таъминлайдиган бозор имкониятлари ҳисобланади.

Таҳдидлар бу кичик бизнес субъектлари фаолиятига салбий таъсир етказувчи вазиятлардир.

Олиб борилган SWOT-таҳлил натижасида кичик бизнес субъектлари фаолиятида муаммоларни келтириб чиқариши мумкин бўлган вазиятларни таҳлил қилиб чиқамиз. Ривожланаётган мамлакатларда кичик бизнес

<sup>11</sup> Muda, S. Human Capital in SMEs Life Cycle Perspective / S. Muda, M. R. Che A. Rahman // Procedia Economics and Finance. - 2016. - Volume 35.- P. 683-689

<sup>12</sup> Муаллиф ишланмаси

субъектларининг ўзига хос ўхшаш томони шундаки, уларнинг бошқарув кадрларининг илмий салоҳиятидир. Кўпгина бошқарувчилар, таҳлил натижалари ёки стратегик режаларга эга эмас “ички сезгиси”га таянган холда қарорлар қабул қилишади. “Л.Бабаева бошчилигидаги гуруҳ томонидан олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижаларига асосланиб, шундай хулосага келади: “Тадқиқотда кузатилган натижалардан бири бизнес элитаси ўртасида “интуитив ва қисқа муддатли стратегик модел”нинг ҳукмронлиги факти бўлди. Бизнес раҳбарлари кўпинча қарор қабул қилишда оқилона ҳисоб-китобларга эмас, балки сезгига таянадилар””<sup>13</sup>

Яна бир муҳим вазият бу кичик бизнеснинг бозор ривожланишига тез мослаша олиши, бироқ бу ўзгаришларга монанд меъёрлар қонун ҳужжатларида ўз аксини топиши учун вақт ва изланишлар талаб қилади. Мисол учун, электрон савдо асосида фаолият юритувчи бизнес субъекти халқаро пул ўтказмалари бўйича қийинчиликлар сезиши мумкин. Пул ўтказмалари бўйича амалиётга қонуний тус берилгунга қадар кичик бизнес субъекти вақт ва молиявий ресурсларда йўқотишларга учраши табиий.

Молия-кредит тизимида солиқ сиёсати, кредитлаш жараёнининг мураккаблиги ва тушунишнинг қийинлиги ушбу соҳадаги қийинчиликларга сабаб бўлади.

#### IV. ХУЛОСА

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини ташкил қилишда ҳаражатларнинг юқорилиги кўп холларда маҳсулот таннархини ошишига сабаб бўлади. Бу каби вазиятларда, рақобат муҳитида яшаб қолиши учун имкон даражада ҳаражатларни сифатсиз меҳнат ресурслар ҳисобига туширишга ҳаракат қилинади. Кўп холларда унча тажрибали бўлмаган ходимларни ёллаш ёки бозордагидан кўра паст ойлик миқдорини белгилаш ҳолатларини ҳам учратиш мумкин. Бу ҳолатларнинг ҳар бирида кичик бизнес субъектининг фаолияти бозор рақобатига дош беролмай қолиши мумкин.

Кичик бизнес субъектларининг барқарор ривожланиши учун уларнинг иқтисодий фаолиятига таъсир этувчи омилларни чуқур таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг юқорилиги ва сифатсиз меҳнат ресурсларидан фойдаланиш каби муаммолар кичик бизнеснинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, молиявий ресурсларнинг чекланганлиги ва бозордаги кескин рақобат шароитида самарали бизнес стратегияларини ишлаб чиқиш зарур.

Кичик бизнеснинг самарали ривожланиши учун инновацион ёндашувлардан фойдаланиш, ходимларнинг малакасини ошириш ва ҳаражатларни оптималлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш чоралари, имтиёзли кредитлар ва

<sup>13</sup> Трайнев В.А., Бутырин Н.Я. Муниципальный менеджмент малого бизнеса и его информационное обеспечение: уч. пособие. – М.: Логос. 2003. – 184 с.

солиқ энгиликлари жорий этилиши ушбу секторнинг баркарорлигига ҳисса қўшади.

Умуман олганда, кичик бизнес субъектлари бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уларнинг ривожланиши мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

## V. Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ЎРҚ-328-сон Қонуни, 2 май 2012 й.
2. Плетнёв, Д. А. Сравнительный анализ критериев отнесения организаций к малому и среднему бизнесу в разных странах / Д. А. Плетнёв, Е. В. Николаева, А. Кампа // Стратегии бизнеса: анализ, прогноз, управление. – 2015. – № 9 (17). – С. 30–36.
3. Katsinis, A., Lagüera-González, J., Di Bella, L., Odenthal, L., Hell, M., Lozar, B. Annual Report on European SMEs 2023/2024. SME Performance Review 2023/2024 / EU Science Hub. – Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2024. – ISSN 2467-0162. – © European Union, 2024.
4. Katsinis, A., Lagüera-González, J., Di Bella, L., Odenthal, L., Hell, M., Lozar, B. Annual Report on European SMEs 2023/2024. SME Performance Review 2023/2024 / EU Science Hub. – Luxembourg: Publications Office of the European Union, 2024. – ISSN 2467-0162. – © European Union, 2024. – Маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.
5. Muda, S. Human Capital in SMEs Life Cycle Perspective / S. Muda, M. R. Che A. Rahman // Procedia Economics and Finance. – 2016. – Vol. 35. – P. 683–689.
6. Трайнев, В. А., Бутырин, Н. Я. Муниципальный менеджмент малого бизнеса и его информационное обеспечение: учеб. пособие. – М.: Логос, 2003. – 184 с.
7. Фунтов, В. Н. Управление проектами развития фирмы: теория и практика [Электронный ресурс]. – ISBN 978-5-4461-9961-7.
8. Эскиндаров, М. А. (ред.) Развитие предпринимательства: концепции, цифровые технологии, эффективная система. – 3-е изд. – ISBN 978-5-394-04683-4. – Режим доступа: ЭБС Айбукс.
9. Сергеева, Г. А. Малый бизнес: теория и практика. – М.: ИНФРА-М, 2021.
10. Емельянов, А. М. Государственная поддержка малого бизнеса: проблемы и перспективы. – М.: КНОРУС, 2019.
11. Ковалев, В. В. Финансовый анализ малого бизнеса: инструменты и методы. – СПб.: Питер, 2020.
12. Горбашко, Е. А., Макарова, А. В. Инновационное развитие малого бизнеса в цифровую эпоху. – СПб.: Политех-Пресс, 2022.